

БУЮК МУТАФАККИР АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА УНИНГ АНАТОМИЯ ФАНИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН БЕҚИЁС ҲИССАСИ

*Олимхўжаев Фазлитдин Хуснуллоевич
Тошкент Давлат стоматология институти*

*Эргашев Ботир Мамуржанович
Тошкент Давлат стоматология институти 105 гуруҳ Болалар стоматологияси факультети
талабаси*

Аннотация: Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино жаҳон илм-маърифати, табobati, санъати, шеърияти ва бошқа фанларнинг ривожланиши учун беқиёс ҳисса қўшган. У яратган китобларда фанларнинг ўша даврга нисбатан юксалиш ва янгиликларни ўз ичига қамраб олган. Мақолада улуғ олимнинг ҳаёти ва ижоди, тиббиёт ва унинг бир қисми бўлган анатомиянинг ривожланишида буюк алломанинг улкан ҳиссаси ёритилган.

Калит сўзлар: Абу Али ибн Сино, медицина, анатомия, буюк олим

ВЕЛИКИЙ МЫСЛИТЕЛЬ АБУ АЛИ ИБН СИНО И ЕГО НЕВЕРОЯТНЫЙ ВКЛАД В РАЗВИТИЕ АНАТОМИИ

*Олимхўжаев Фазлитдин Хуснуллоевич
Ташкентский государственный стоматологический институт*

*Эргашев Ботир Мамуржанович
Ташкентский государственный стоматологический институт студент 105 группы факультета
детской стоматологии*

Аннотация: Великий мыслитель Абу Али ибн Сина внес неоценимый вклад в развитие мировой науки, медицины, искусства, поэзии и других наук. В созданных им книгах он освещал взлеты и падения наук по сравнению с тем периодом. В статье рассказывается о жизни и деятельности великого ученого, о большом вкладе великого ученого в развитие медицины и анатомии, которая является ее частью.

Ключевые слова: Абу Али ибн Сина (Авиценна), медицина, анатомия, великий ученый

THE GREAT THINKER ABU ALI IBN SINO AND HIS INCREDIBLE CONTRIBUTION TO THE DEVELOPMENT OF ANATOMY

*Olimkhuzhaev Fazlitdin Khusnuddinovich
Tashkent State Dental Institute*

*Ergashev Botir Mamurjanovich
Tashkent State Institute of Dentistry 105 group Student of the Faculty of Pediatric Dentistry*

Abstract: The great thinker Abu Ali ibn Sina made an invaluable contribution to the development of world science, medicine, art, poetry and other sciences. In the books he created, he covered the ups and downs of the sciences compared to that period. The article tells about the life and work of the great scientist, about the great contribution of the great scientist to the development of medicine and anatomy, which is part of it.

Key words: Abu Ali ibn Sina (Avicenna), medicine, anatomy, great scientist

Жаҳон фани ва маданиятининг деярли ҳамма соҳаларида чуқур из қолдирган эциклопедист олим Абу Али ибн Сино, айниқса табобат соҳасида юксак муваффақиятларга эришган. Бу муваффақиятларнинг асл моҳияти, Ибн Сино ўзидан олдин ўтган олимлар томонидан яратилган илмий ишларни ва мулоҳазаларни изчиллик билан бир тизимга солиб, буюк асарларни ёзиб қолдирди.

Буюк олим Абу Али ибн Сино (980-1037) тарихда «Ал-шайх ар-райис» (олимлар устози, раиси) номи билан ҳам машҳур. Низоми Арузи Самарқанди (XII аср) Ибн Синони «Хақиқат исботчиси» («Хужжат ал-хаққ») деб таърифлаган. Европа ва Америкада Абу Али ибн Синони Букрот (Гиппократ эрамиздан аввал 460-377 й.), Арасту (Аристотел эрамиздан аввал 384-322 й.), Жолинус (Гален 130-200 й.), Леонардо да Винчи (1452-1519), Андрей Везалий (1514-1564) каби олимлар билан бир қаторда қўйишади.

Ибн Сино томонидан бундан 1000 йил илгари ёзилган илмий асарларни ҳозирги замон анатомия фани билан солиштириш ва унинг аҳамияти ҳақида ёзиш жуда мураккаб ва оғир ишдир. Ўтган 10 аср давомида медицина атамалари ва тушунчалари кўпгина ўзгарган бўлиб, уларнинг барчасини ҳозирги замон терминлари билан бериш Ибн Сино асарларининг баъзи жойларини асл маъносини йўқотишига сабаб бўлиши мумкин эди. Шунга қарамасдан, Абу Али ибн Синонинг асарлари нафақат табобат, балки фалсафий, гуманитар ва аниқ фанлар соҳасидаги беқёс аҳамиятга эгадир.

Ибн Сино жаҳон фани ва маданияти тараққиётига беқиёс улкан хисса қўшган буюк сиймолардан бўлиб, унинг илмий ишлари ҳоразмлик буюк энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) асарлари билан биргаликда ўша давр фани тараққиётининг энг юқори чўққисини ташкил этади.

Унинг тўла исми Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино бўлиб, кўпинча қисқартириб Абу Али ибн Сино ёки Ибн Сино деб юритилади. Бу исм қадимги яҳудий тилида Авен Сино деб ёзилган ва олимнинг Европада кенг тарқалган Авиценна шаклидаги номи шу сўзнинг бир оз бузиб талаффуз этишдан келиб чиққан.

Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар амири Нух ибн Мансур (976-997) даврида Бухоро томонига кўчиб келади ва ўша атрофдаги Хурмитон қишлоғига амалдор этиб тайинланади. Кейин у Афшона номли қишлоқда ҳам истикомат қилади ва шу қишлоқлик Ситорабону исмли қизга уйланади. Уларнинг икки ўғиллари бўлиб, шулардан каттаси Ҳусайн эди (Ибн Синонинг болаликдаги асл исми шундай бўлган). У 370 - ҳижрий йили сафар ойининг бошида (яъни 980 йил август ойининг иккинчи ярмида) дунёга келади.

Ҳусайн 5 ёшга киргач, Ибн Синолар оиласи пойтахт - Бухорога кўчиб келади ва уни ўқишга берадилар. Ибн Сино аввал Қуръон ва адаб дарсларини ўқийди ва 10 ёшга етар-етмас бу дарсларни тўла ўзлаштириб олади. Айни вақтда у арифметика ва алгебра билан ҳам шуғулланади. Булардан ташқари, уйда Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий раҳбарлигида мантиқ, геометрия ва астрономия фанларини ўқийди.

Шу билан бирга Абу Али ибн Сино табиий фанлар билан ҳам жиддий шуғулланади, хусусан табобатни севиб ўрганади. У ўзининг туғма истеъдоди ва фавқулотда меҳнатсеварлиги туфайли дарсларни осонлик билан ўзлаштиради ва ҳатто муаллимларига номаълум нарсаларни ҳам китобдан мустақил ўқиб билиб оларди. Айниқса, тиб илмида у жуда тез камол топа бошлайди. «Тиб илми, - деб ёзади Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида, - қийин илмлардан эмас, шу сабабли қисқа муддат ичида бу фандан жуда илғорлаб кетдим, энди ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб ҳузуримда тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам кўриб турардим ва шу йўсинда орттирган тажрибаларим натижасида муолажа эшиклари менга шу қадар кенг очилиб кетдики, уни таърифлаб бериш қийин».

Ибн Сино 17 ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида донг чиқаради. Ўша кезларда Сомонийлар давлатининг бошлиғи Нух ибн Мансур касал бўлиб, сарой табиблари уни даволашга ожиз эдилар. Бухорода янги чиққан ёш табибнинг овозаси саройга ҳам етиб борган эди, уни амирни даволашга таклиф қиладилар ва унинг иштирокида даволанган бемор тез фурсатда оёққа туради. Бунинг эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу кутубхона ўша вақтда бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналарди. Бир неча йил

давомида кеча-кундуз тинмай мутолаа қилиш натижасида Ибн Сино ўз билим доирасини мислсиз даражада кенгайтдики, у даврда шу қадар билимга эга булган бошқа бир кишини топиш мушкул эди.

Мантик, табиёт, табобат ва бошқа фанларни чуқур ўзлаштиргач, Ибн Сино ўша давр фалсафасининг асосий қисмларидан бири ҳисобланган метафизикани ўрганишга киришади. Бироқ ёш олим бу фаннинг даҳих томонларини ўзлаштиришга Абу Наср Форобий (873-950) томонидан ёзилган бир фалсафий асарни мутолаа қилгандан кейингина муваффақ бўлади.

Ибн Синонинг ўз давридаги йирик олимлар, жумладан, Абу Райҳон Беруний билан бўлган илмий мунозаралари тахминан шу йиллардан бошланади. У ўзининг биринчи йирик илмий асарларини ҳам Бухорода 1000-1001 йилларда ёзади. Ўз қўшниси ва дўсти Абу-л-Ҳусайн ал-Арузийнинг илтимосига биноан риёзатдан бошқа барча фанларни ўз ичига олган «Ал-ҳикмат ал-арузия» номли асарини, бошқа бир дўсти фикҳ ва тафсир илмларининг билимдони Абу Бакр ал-Барқий ал-Хоразмийга атаб энциклопедик характерга эга бўлган 20 жилдлик «Ал-ҳосил ва-л-мақсул» деб аталган асарини ёзади. 999 йили Қорахонийлар Бухорони забт этиб Сомонийлар давлатини йиқитадилар. Бундан ташқари, айрим феодал ҳукмдорлари орасидаги ўзаро урушлар ҳамон тинмай давом этар ва бу воқеалар Бухорода тинч ва хотиржамликда илмий ишларни давом этдиришга қулай шароит қолдирмаган эди. Бунинг устига 1002 йили Ибн Синонинг отаси вафот этади. Оқибатда Ибн Сино ўз юрти Бухорони тарк этиб Хоразм (Урганч) га кетади.

Хоразм ҳам Ўрта Осиёнинг қадимий бой ва маданий вилоятларидан бири бўлиб, XI асрнинг бошларида у ерда илмий ҳаёт анча ривожланган эди. Хоразмшоҳлар Али ибн Маъмун (997-1009) ва Маъмун ибн Маъмун (1009-1017) лар даврида Урганчда кўпгина замонасининг таниқли олимлари яшар ва ижод этар эдилар. Йирик математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ (Берунийнинг устози, 1034 й. вафот этган), атоқли табиб ва файласуфлар Абу Саҳл Масиҳий (1010 й. вафот этган) ва Абу-л-Хайр Хаммор (942-1030), ниҳоят буюк Абу Райҳон Беруний (973-1048) шулар жумласидандир.

Ўз сиёсатида кўпроқ реакцион йўл тутган ва ҳар қандай хур фикрни бўғувчи Ғазна ҳукмрони Султон Маҳмуд (998-1030) Хоразм ерларини ўз давлатига қўшиб олишга ҳаракат қилади. Унга тобе бўлишни истамаган Ибн Сино тахминан 1010-1011 йилларда Хоразмдан махфий равишда чиқиб Хуросон томон йўл олади. Нисо, Абивард (бу шаҳарлар ҳозирги Туркменистон ерида бўлган) ва бошқа шаҳарларда қисқа вақт тургандан кейин Каспий денгизининг жануби-шарқида жойлашган Журжон амирлигига етиб келади. Бу ерда у Абу Убайд Жузжоний билан танишади, шундан бошлаб у йигит Ибн Синога энг яқин ва содиқ шогирд бўлиб қолади ва устозининг охириги нафасигача ундан ажралмайди. Жузжоний Ибн Синонинг то Журжонга келгунигача бўлган таржимаи ҳолини унинг ўз оғзидан ёзиб олган, устоз ҳаётидаги ундан кейинги воқеаларни ҳам ўзи ёзиб тўлатган, шу туфайли биз Ибн Синонинг ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда ишончли манбага эгамиз.

Кўп ўтмай Ибн Сино Журжонда ўзининг илмий ишлари ва табиблик фаолиятини бошлаб юборади. Табобатга оид машҳур асари «Китоб ал-қонун фи-т-тибб» («Тиб қонунлари») нинг 1-китобини ва баъзи бир бошқа асарларини ёзишга киришади. 1014 йили Ибн Сино Журжонни ҳам тарк этади ва бир қанча муддат Рай ва Қазвин шаҳарларида тургандан кейин Ҳамадонга келади ва бувайхйлар ҳукмдори Шамс уд-давла (997-1021) хизматида қиради. Аввал сарой табиби бўлиб ишлайди, сўнгра вазирлик мансабига кўтарилади. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, илмий ишларни давом эттиради ва қатор асарлар яратади, ўзининг машҳур фалсафий энциклопедияси «Китоб аш-шифо»ни ҳам шу ерда ёзишга киришади.

1023 йили Исфохонга кўчади ва «Китоб аш-шифо»нинг қолган қисмларини ёзишда давом этади. Бошқа бир қанча асарлар билан бир қаторда форс тилидаги фалсафий китоби «Донишнома»ни тасниф этади.

Юқорида номи зикр этилган Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино жисмоний жиҳатдан ҳам жуда бақувват киши бўлган. Бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш, кечалари ухламасдан узлуксиз ишлаш ва бир неча бор таъкиб остига олиниб, ҳатто хибсда ётишлар олимнинг саломатлигига таъсир этмай қолмади. У қуланж (колит) касаллигига чалиниб қолган эди. Касаллик зўрайгач, уни тутқаноқ ҳам тутадиган бўлади, оқибатда шу дарддан у 428 хижрий йилининг рамазон ойида (1037 йилнинг июнида) 57 ёшида Ҳамадонда вафот этди. Унинг қабри ҳозиргача сақланиб қолган.

Ибн Сино 1007 йили Хуросон шаҳрида, 1012 йили эса Исфохон ва кейинчалик Хамадон шаҳарларида шифокорлик қилди. 1037 йили Хамадон шаҳрида вафот этди ва шу шаҳарда буюк мутафаккир олим ҳурматиға мақбара қурилди. Мақбарани янгилаш даврида, Эрон академиясининг академиги Саид Нафис Ибн Сино калла суягини ҳар тарафлама суратға олиб, кенг ўрганди. В.Н.Терновский суратлардаги калла суягини текширган, М.М. Герасимов эса суратдаги калла суяги асосида Ибн Синонинг юз ташқи кўринишини тиклаш ва унинг расмини чизиш устида ишлаган.

Ибн Синонинг илмий ижоди маҳсули. Ибн Сино ҳақиқий энциклопедист олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли равишда шуғулланган ва уларға оид илмий асарлар яратган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд этилган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 242 таси етиб келган. Шу 242 дан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфға тегишли, 43 таси табобатға оид, 19 таси мантиққа, 26 таси психологияға, 23 таси табиёт илмиға, 7 таси астрономияға, 1 таси математикаға, 1 таси музикаға, 2 таси кимёға, 9 таси этикаға, 4 таси адабиётға ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларға бағишланган.

Бу асарларнинг барчаси ҳам олимлар томонидан бир хилда ўрғанилган ва кенг илмий жамоатчиликка маълум бўлган, деб айта олмаимиз. Уларнинг айримлари жаҳоннинг кўп тилларига таржима этилиб, асрлар давомида қайта-қайта нашр этилиб келаётган бўлса, кўплари ҳали турли кутубхоналарда қўлёзма ҳолида ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди.

Олимнинг бизгача етиб келган умумий фалсафаға оид муҳим асарлари қуйидагилар:

I. «Китоб аш-шифо» Ибн Синонинг энг йирик фалсафий асари ҳисобланади, уни ўз даврининг илмий қомуси деса бўлади. Бу асар 4 қисмдан иборат: 1) мантиқ; 2) табиий фанлар (бу қисмида минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва инсонлар ҳақида алоҳида алоҳида бўлимларда гап юритилади); 3) математика, яни риёзиёт илмлари (бунда арифметика, ҳандаса, астрономия ва музика фанлари ҳақида баҳс боради); 4) метафизика, ёки илоҳиёт. Бу асарнинг табиий фанлар ва метафизикаға тегишли қисмлари 1887-88 йили Техронда тошбосмада нашр этилган, мантиқ қисми эса 1952 йилдан бошлаб Қоҳирада бир неча жилда босилган. У бирон тилға ҳам тўла равишда таржима этилмаган, фақат айрим бўлимларигина лотин, сурёний, иброний, немис, инглиз, француз, рус, форс ва ўзбек тилларида нашр этилган.

II. «Китоб ан-нажот» («Нажот китоби»). Бу китобда «Китоб аш-шифо»нинг мазмуни қисқартиб баён этилган. Унинг арабча матни 1593 й. Римда, 1913 ва 1933 йиллари Қоҳирада босилган. Айрим қисмлари сурёний, иброний, лотин, немис, француз ва рус тилларига таржима этилган.

III. «Ал-ишорат ва-т-танбиҳот» («Ишоралар ва танбиқлар»). Бу Ибн Синонинг энг сўнгги йирик асари бўлиб, унда олим фалсафанинг асосий масалаларини қисқа ибораларда баён этган. Бу асарнинг арабча матни Лейденда (1892 й.), Қоҳирада (1947), Техронда (1864), Истанбулда (1873) нашр этилган. У француз (1951) ва форс тилларида ҳам босилган (1937, 1954).

IV. «Донишнома» («Билим китоби»). Бу Ибн Синонинг форс дарий тилида ёзилган фалсафий асарларидан энг муҳими ҳисобланади. Унинг форсча матни Ҳайдарободда (1891) ва Техронда (1897, 1952) нашр этилган, 1957 йили Душанбеда русча таржимаси босилиб чиққан.

V. «Тиб қонунлари» «Китоб ал-қонун фи-т-тибб» Бу китоб ўша давргача бўлган табобат борасидаги энг мукамал қўлланма ҳисобланади. Бу энциклопедик китобда тиббиётнинг ҳамма соҳалари (анатомия, физиология, этиологияси (касалликлар сабаблари), пропедевтика (касалликнинг белгилари), тасхиш қўйиш ва даволаш, профилактикаси (уларнинг олдини олиш) ва х. к.) бўйича илмий изланишлар ёритилган.

Ибн Сино бу асарларида ўзидан олдинги ва ўз давридаги табиий фанлар ва фалсафанинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда шундай бир фалсафа яратдики, бу фалсафани ўрта аср Шарқидаги назарий билимларнинг энг юқори чўққиларидан бири деб таърифлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. - 1983. Тошкент.
2. Абу Али ибн Сино. Даниш-наме, перевод на русский язык А. Багоутдинова, Сталинобод, 1957.
3. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, I - V китоб, Тошкент, 1954 - 1961.

4. Абу Али ибн Сино. Фалсафий қиссалар, тўпловчи ва таржимон А. Ирисов, Тошкент, 1963.
5. Абу Али ибн Сино туғилган кунини 1000 йиллигига (мақолалар тўплами), Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1980.
6. Баходиров Ф.Н. Одам анатомияси . - 2005. Тошкент
7. Баходиров Ф.Н., Олимхўжаев Ф.Х. Буюк олим Абу Али ибн Сино ва унинг одам анатомияси фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси. - 2011. Тошкент.
8. Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий меъроси, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1980.
9. Ибн Сино ўғитлари. Тошкент, «Мерос» нашриёти, 1994.
10. Худойбердиев Р. И. , Захидов Х. З. , Ахмедов Н. К. , Алявия Р. А. Одам анатомияси . - 1975, - 1993. Тошкент
11. Синельников Р. Д. Атлас анатомии человека. - 2012.